**Ушбу сонда:**

2 РЕСПУБЛИКАМИЗ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИДА

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

4 СПОРТ ОЛАМИДА

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 10 август, чоршанба № 126 (1967)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ








*Ишқинг ила яшаймиз Ватан!*





# ЙИГИТ ЮРТИНИ СЕВСА...

Тоғ бағридаги қишлоқчадан катта анҳор оқиб ўтарди. Суви тип-тиниқ эди. Ёз бўйи болалар яйраб чўмилишар, уларнинг шўхчан қийқириқлари гўё бутун оламни тутиб кетарди. Ўша йилларда бу анҳор биз учун жуда-жуда қадрли бўлган.

Яқинда қишлоққа борганимда худди ўша жойлардан ўтдим. Қадрдон анҳор ўрнида кичкина ариқни кўриб ҳайрон қолдим. «Ўнлаб болалар бу торгина жойда қандай чўмилишган экан-а?»- деб ўйладим.

– Бола кўзи билан қаралса, кичик гўшалар ҳам ҳайбатли бўлиб кўринади, дердилар момом. Шу сўз ёдимга тушди...

Чиндан ҳам болалик кезларда кичик анҳорлар кўзларимизга дарёдек кенг бўлиб кўринарди, баланд тепаликларнинг энг юқорисига чиқмоқни орзулардик, олисларга боқиб «баланд тоғлар ортида нималар бор экан-а?» дея соатлаб хаёл сурардик. Жуда кўп ҳақиқатларни улғайганимиздан сўнггина тушуниб етганмиз.

Бугуннинг болалари-чи? Улар буткул ўзгача...

Озодликнинг ҳур фикрлари шу болаларнинг жажжи юракларида жасорат туйғусини уйғота олди. Улар энди баланд тоғларга ҳайратланиб қарамайди, балки олис қитъалар томон бормоқни истайди!

Инглиз тилини пухта ўрганай, кейин Интернет тармоғига уланиб, хориж кутубхоналаридан ўзим учун зарур китобни топиб ўқийман, - дея ният қилади у ва шу заҳотиёқ ишга киришади.

Бу болакайларнинг қай бирлари ўз қишлоғига компьютер олиб келишга аҳд қилган. Яна қай биттаси тадбиркорлик ишини юритиб, шахсий ҳисоб рақамини очишни режалайди. Ҳамма-ҳаммасининг кўзлари ўткир, фикрлари теран, режалари пухта, мақсадлари аниқ!

Ўз орзу-ўйлари билан даврни улғайтираётган болалар...

Улар улғайса, Ватан ҳам улғаяди!

## ТОМИРИМИЗДА АЛПОМИШЛАР ҚОНИ ОҚАДИ

Бола эдим.

Мактабдан қайтаётсам, қўшнимизнинг ҳовлиси томондан майин алла эшитилди. Шаҳринисо ая тол шоҳидаги беланчакни тебратиб, гўдагини аллаларди:

***Хазон тўкмас боғимсан, аллаё***
***Таянганда тоғимсан, аллаё***
***Суюкли бўл, ўктам бўл, аллаё***
***Алпомишдай ўғлон бўл, аллаё***

Кечқурун отам ишдан келишлари биланоқ шоша-пиша сўрадим:

– Айтинг, Алпомиш ким бўлган, ўзи?

– Асл исми Ҳакимбек экан, етти ёшида бобосидан қолган ўн тўрт ботмонли парли ёйни тортиб, қўйиб юборганида ёйининг ўқи яшиндай бўлиб Асқартоғнинг каттакон чўққиларини юлиб ўтган. Шунда ҳалойиқ болага тўқсон алпнинг бири, деб баҳо берган. Алпомиш кучли, довюрак бўлиб вояга етган.

– Бизнинг қишлокда ҳам шунақа кучли... довюраклар борми?

– Ҳа. Ўғил болаларимизнинг ҳаммаси улғайганларида Алпомишдай йигит бўлишади, мана кўрасан! - дедилар отам.

Йиллар ўтгач, англаб етдим. Ўзбек ўғлонларининг томирларида фақат Алпомишлар қони оқади. Алпомиш сингари мард ўғлонлар эса ўтмишда ҳам кўп эди. Улар бугунги кунларимиз учун қон тўкиб, азиз жонларини қурбон ҳам қилганлар!

Аслида чин эр йигитлик фазилати фарзандларимизга боболаридан мерос. Улар бу меросни авайлаб, асрдан асрларга олиб ўтадилар.

## ХАЗИНА ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Бир пайтлар Санам момом бизга жуда кўп ривоятлар айтиб берарди. Улардан бири ҳамон ёдимда.

Қадимда бир кишининг ёлғиз ўғли бўлиб, ўта инжиқ ва ишёқмас, бирдан бир орзуси хазина топиб бойиб кетишу сўнг беташвиш яшаш экан. Бола шу кўйи улғайибди. Ота энди чинакамига ташвишга тушибди. «Бунақада ўғлим хароб бўлади, мен уни қутқаришим керак!» дебди. Сўнг ўғлини ёнига чақириб, «Хув анави дала ортидаги тепаликни кўраяпсанми?» деб сўрабди.

– Ҳа, кўраяпман, - дебди ўғил.

– Худди ўша тепаликда илгари бир бой яшаган. Айтишларича, ўлими олдидан хазинасини шу тепаликка кўмган эмиш. Сен ўша хазинани топсанг, роса бадавлат яшардинг-да, ўғлим!

Ўғил кетмонини қўлига олиб тепалик томон кетибди. Ўн кун вақт ўтибди, йигитнинг қўллари қавариб, тепалик текисланибди-ю бироқ ҳеч вақо топилмабди.

– Нега мени алдадингиз? - жаҳлланибди у отасига қараб.

– Хазина фақат ўша ерда. Уни топиш учун дон сочиш лозим, - дебди ота. Ўғил шундай қилибди. Ҳосил жуда мўл бўлиб, ота ва ўғил чунонам бойиб кетишибдики...

– Хўш, болаларим, айтингларчи, йигит хазинани топа олдими?

– Топди! Меҳнатдан топди! - дея баралла жавоб берардик биз.

– «Меҳнат – бойликдир» деган нақл ўша замонлардан қолган, - дер эди Санам момом бизга.

Момом шу биргина ривоят орқали бизга меҳнатсеварлик тарбиясини бера олганмикин-а? Кексалик – донолик эканлиги рост.

## ҚИШЛОҚ ВИЖДОНИ

Қишлоғимизда яшайдиган Нор амаки доимо болаларни атрофига йиғиб, уларга насиҳатлар қилар, ҳар бирини худди ўз фарзандидек суйиб эркалатарди. Лекин, безорилик қилган, дарахт шохини синдириб, қуш инини бузганларни кўрса аяб ўтирмас, қаттиқ койир, «нега бундай қилдинг, оқибатини ўйламадингми?» дея қулоқларидан чўзарди. Бир куни дўкон мудири Садриддин ака амакининг ёнига бориб, шундай дейди:

– Норбой, қачонгача шу болакайлар ичида ўралашиб юрасан? Улар бузғунчилик қилса, сенга нима? Ҳаммасини ўз ҳолига қўй, ота-оналари тарбиялаб олаверсин! Ундан кўра биз билан чойхонага чиқ, даврамизга қўшилсанг-чи, ахир?!

Шунда Нор амаки бу гапдан тутақиб кетади:

– Болани тарбия қилиш фақат ота-онасининг иши эмас, бунга барчамиз жавобгармиз. Бугун қушнинг уясини уриб туширган, экинзорларни оёғи билан янчиб ўтган, гуллаган дарахтнинг шохини синдирган болаларни кўриб, сен индамасанг, мен индамасам, унга «бу ишинг хато демасак, қай кун келиб улар бундан ҳам каттароқ жиноятларга қўл урмайдими, ўйлаб кўр! Ўшанда бутун қишлоқ аҳли «аттанг» деб қолса майлими? Йўқ, то тирик эканман, шу болакайларнинг яхши инсонлар бўлишига кўмаклашаман! Ота-оналари берган тарбияни мен янаям пишитаман. Бугун еру кўкни, жониворларни севган бола улғайганда оламга меҳр қўяди, оиласини, юртини сева олади. Юртини севса, шу юрт учун ўзини фидо қилади. Мен қишлоғимиз болаларининг ана шундай инсонлар бўлиб вояга етишини истайман!

Садриддин ака жим бўлиб қолди. Чунки Нор амаки ҳақ сўзни айтаётганди-да!

## УЛУҒЛАР ИЗИДАН БОРАМИЗ

Яқинда Самарқандда бўлганимда бир гуруҳ қишлоқ болалари билан суҳбат қурдим. Уларнинг орзу-ўйлари билан қизиқдим.

– Олимларнинг аниқлашларича, инсон ўз имкониятларининг ўндан бир қисминигина ишга соларкан. Борди-ю унинг ярмидан фойдаланса, борми, 40 та чет тилини, 15 жилдли улкан Қомусни ўзлаштириб олиши мумкин бўларкан, - дейди Жомбой туманидаги Сарқипчоқ қишлоғида яшовчи Алп Норбеков.

– Эшитдик, шаҳардаги айрим болалар катта бозорларда аравани судраб пул топишаркан. Агар улар кун бўйи бозорда вақтини бекорга ўтказмасдан чет тилини ўзлаштиришга ё бирор ҳунарни ўрганишга киришсалар, келгусида ҳозиргидан кўра беш-ўн баробар кўпроқ пул топишармиди... Буни улар қачон тушуниб етаркинлар? - дейди шу қишлокда истиқомат қилувчи Рустам Келдиев.

– Мен ўз исмим билан фахрланаман, - дейди Жалолиддин.

– Мен ҳам, - дея кўзлари чақнайди Бобур.

Бугуннинг ўғил-қизлари шу она юрт тупроғида улуғ инсонлар яшаб ўтганликларини яхши билишади. Уларнинг издошлари бўлишни орзулайдилар. Саъй-ҳаракатлари шунга яраша.

Бу болаларнинг орзу-ўйлари, тафаккури ўзлари билан баробар – жуда тез улғаймоқда. Илмга – юксакликка интилиш ҳаваси уларни бирор дақиқа тарк этмайди.

**Г.ЖАМИЛОВА**

***Янгийўл шаҳрида шу йил бошидан буён 35 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Натижада тўққиз юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.***

## ТАДБИРКОРЛАР ҲИССАСИ

- Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ-манфатларини ҳимоя қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, - дейди Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг Янгийўл шаҳар бўлими раҳбари Ҳусан Нурмуҳаммедов.

- Бугун шаҳримизда 57 та ўрта, 84 та кичик корхона, 452 та микрофирма фаолият юритмоқда. Улар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари ҳажми шу йилнинг ўтган даврида бир юз саксон миллион сўмни ташкил этди. Бу шаҳар бўйича ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 12 фоизига тенг.

Шунингдек, экспорт ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошди. Ўтган давр мобайнида кичик бизнес субъектлари томонидан 60 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Шу билан бирга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам жиддий эътибор қаратиляпти.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг шаҳар бўлими тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаганларга зарур маълумотларни бериб, таъсис ҳужжатларини расмийлаштиришга яқиндан кўмаклашмоқда.

**(ЎзА)**

# ҚИР ОРТИДАГИ ОДАМЛАР

***Навоий вилояти республикада ишлаб чиқарилаётган қоракўл терининг ярмидан кўпроғини етказиб беради. 1 миллион 200 минг бошдан зиёд қўй-қўзини жамлаган 1600 та отар масъулиятини зиммасига олган ҳар бир чўпон-чўлиқнинг ўзига яраша қувонч-ташвишлари бор.***

Қиш қаҳратони, ёзнинг жазирама иссиқлари нуроталик чорвадорларни яна бир синовдан ўтказди. Ана шундай қийин кунларда «Навоийқоракўл» бирлашмасининг раиси Ҳазрат Қурбонов бошчилигидаги мутахассислар чўпонлар ҳолидан хабар олиб, уларга мададкор ва ҳамкор бўлишди.

Тумандаги йирик жамоа Файзулло Хўжаев номли ширкат хўжалиги раиси Асрор Ашуров, бош зоотехник Нуриддин Эсанов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Умар Аслонов Қалпор яйловида жойлашган Усмон отарига кириб борганларида қуёш шарқдан бош кўтараётган эди. Эрта субҳидамда қўйларни ҳайдаб эндигина ўтовга қайтган бош чўпон уларни хушнуд кутиб олди. Чорвадор оиласининг турмуш тарзи билан танишган раҳбарлар ҳеч нарсадан камчилик йўқлиги, ун, гуруч, ёғ, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етарли, энг муҳими одамларнинг соғлиғи жойида, кайфияти аъло эканлигини кўриб ўзларининг ҳам кўнгиллари кўтарилди.

— Ширкат ва касаба уюшма фаоллари отаримизда тез-тез бўлиб, туришади,- дейди бош чўпон мамнуният билан. - Ҳар бир чўпон-чўлиқнинг дард-қувончини қалбдан ҳис этиб, ҳамкору ҳамнафас бўлишади.

Туя ўркачли қирлар, юксак тоғларга бош қўйган пасту баланд адирлар, ҳудудсиз чўлларга туташиб кетган кенг далаю-даштларда қўним топган 80 га яқин отарлар бир-биридан анча олисда жойлашган. Қирқ минг зиёд қўйнинг 15 минг 264 тасини совлиқлар ташкил этади. Ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан тўл олиниб, 92 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Боқувдаги 350 бош совлиқни зооветеринария талаблари асосида парваришлаётган Усмон Ражабов чўпон таёғини отаси Субхон бободан қабул қилган. Алпомиш келбат, чапдаст, қалби тоза, боладай содда чўпоннинг фикру хаёли отардаги қўй-қўзи билан банд. Чўпонлик орияти, элулус молини кўпайтириш, сурувга сурув қўшиш нияти ором бермайди. Чунки, оиласи бола-чақаси чорва ортидан кун кўради.

Усмон чўпонликни танлаб ҳеч кимдан кам бўлгани йўқ. Укалари Рустам ва Ойбекларга яқиндан ёрдам берди. Турмуш ўртоғи, тиббиёт ҳамшираси Робия Ражабова билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Чўпонлик қишлоқ фарзандига бахт ва обрў келтирди. Элда қадр-қиммат топди. Рўзғори баракали, дастурхони тўкин, бола-чақалари билан фаровон ҳаёт кечираяпти. Ҳалол меҳнати муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Қўзилатиш мавсуми якуни бўйича касабақўм томонидан видео иккилик билан тақдирланди.

Меҳнатдан рағбат топган кишининг руҳи тетик, иш унуми ошади. Чексиз чўл ва тоғу тошли ерларнинг ҳар бир қаричини ёддан билади. Тупроқ унумдорлиги, табиати, озуқа заҳиралари унга беш қўлдек аён. Отаридаги совлиқларнинг ҳар юзидан 112 тадан қўзи олиб, туманда энг юқори кўрсаткичга эришди. Қоракўл тери ва жун топшириш шартнома режалари ошириб бажарилди.

Чўпонлик оғир ва машаққатли касб. От бойловда, қўй яйловда семиради, деб бежиз айтишмаган. Жадир, Комбайли, Адизобод, Қоратоғ, Чўпонобод кенгликларида Тошпўлат Ражабов, Юнус Қобилов ва Азамат Раҳмоновларнинг оила пудратига қарашли моллари боқилади. Қўй-қўзилар семиз ва соғлом. Қишлов учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарилаяпти.

— Қоракўлчиликдаги ислоҳотлар самарасини бераяпти, - дея суҳбатни давом эттирди хўжалик бош иқтисодчиси Ғайрат Бухоров. — Бошқаришнинг ширкат усулига ўтилиб, жамоадаги мол-мулк, қудуқлар, яйловлар оилавий пудратчиларга узоқ ижарага берилди.

Эришилган натижалар янада салмоқли. Хўжаликнинг ялпи даромади 370 миллион 824 минг сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 96 миллион 887 минг сўми соф фойда ҳисобланади. Шартномадан ортиқ маҳсулот топширган чўпонларга 12 миллион 200 минг сўмлик қўй-қўзи ва бошқа мукофотлар тарқатилди.

Савоб ва хайрли ишларни амалга ошириш одат тусига кирган. Ҳудудда яшовчи Бобониёз Темировга ногиронлик аравачаси олиб берилди. Кўзи ожиз Арслон бобо Нуруллаев, нафақахўр Умар ота Фармонов, Чўли Хўжақулов сингари йигирмадан ортиқ фахрийга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Мурувват» уйига 640 минг, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасига 1 миллион 360 минг, умумтаълим мактабларини таъмирлашга 5 миллион 800 минг, 36-мактабнинг спорт зали қурилишига 1 миллион 200 минг, ўқув жиҳозлари ва дарсликлар сотиб олишга ярим миллион, «Зарафшон» футбол клубига ҳомийлик ёрдам учун 693 минг сўм маблағ ажратилган. Хўжаликда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар етим-есирлар ва ногиронларга 4 миллион 989 минг сўм моддий ёрдам берилди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЎҚУВ ЙИЛИ - ЯНГИ МАКТАБДА

Мамлакатимиз мустақиллигиниг 14 йиллиги арафасида Янгийўл тумани Шўралисой фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски 39-мактаб ўрнида 320 ўринли кўркам янги бино қад ростлади. Шу ҳудуддаги 53-ўрта мактаб ҳам капитал таъмирланди. Бу таълим масканларида ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилди.

- Туманимиздаги 52 та мактабда йигирма мингдан зиёд ўқувчи таълим олади, - дейди халқ таълими бўлим мудири Санобар Зиёева. - Мактаблар паспорти тузилгач, 12 та мактаб капитал реконструкцияга, 22 та мактаб капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланди, бешта янги мактаб қурилиши белгиланди. Бу мактабларда ўтган йилдан бери қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

## ХОНОБОД-АНДИЖОН СУВ ЙЎЛИ

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тубдан яхшиланди. Бугунги кунда шаҳар ва туманларда 26 та сув иншоотлари 1539,4 километрлик ичимлик сув тармоқларига "оби ҳаёт" улашаётган бўлса, 240 километрлик тармоқлар оқава сувни чиқаришга хизмат қилмоқда.

Хонобод-Андижон сув йўлининг ишга туширилиши 2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш имконини берди. Аҳоли жон бошига суткасига етказиб берилаётган сув миқдори 115 метрга етказилди.Мавжуд имкониятлардан тежамкорлик билан фойдаланиш Андижонда республикада энг арзон- бир куб метр сув нархини 16 сўмда ушлаб туриш имконини бермоқда.

Тармоқда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи 45 минг сўмни ташкил этаётир. Маъмурият ва касаба уюшма ўртасидаги жамоа шартномасига асосан кам даромадли оилалар, якка- ёлғизлар, қарияларга вақти-вақти билан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

**Я.НОРБОЕВ**




# ТАБИИЙ ГЎЗАЛЛИККА УЙҒУНЛАШДИ

***Мукур қишлоғи Андижон вилоятининг энг сўлим гўшаларидан бири. Теварак-атрофи қир-адирлар билан ўралган бўлиб, уларнинг ортидан Тяншан ва Помир тоғларининг қорли чўққилари кўриниб туради. Зилол сувли, турна кўз булоқлар ҳар қадамда чанқоғингизни қондиради. Қорағунон канали қишин-ёзин сувга лиммо-лим, далаларни тўйдириб, маҳаллаларга оби ҳаёт улашади.***

Янги қурилаётган 216 ўринли 22-мактаб биносининг табиий ландшафт билан уйғунлашиб кетиши бежиз эмас. Мақсад зурриётларимизни наботот олами билан ошно қилишга қаратилган. Ватан остонадан бошланади, деганларидек, табиатни ардоқлаган, эъзозлаган инсонлар юртпарвар, элпарвар бўлиб вояга етадилар.

Объектда бунёдкорлик ишлари кеча-кундуз давом этмоқда. Қудратли техникаларнинг наъраси бир зум тинмайди, вагон уйлар деразалари тунлари электр чироқларидан чароғон. Қум-шағал ортган "КРАЗ", "МАЗ"лар - карвонининг адоғи йўқдек. Мармар бўлакларига ишлов бериш цехида иш қизғин. Пардозловчи Набижон Жўраевнинг қўли-қўлига тегмайди. Гуриллаб айланаётган доирасимон электр аррага мармар бўлагини текизиши билан тўрт томони силлиқланган яхлит тахтача ҳосил бўляпти. Уни Набижон ёнгинасида найчадан оқиб турган сувда ювиб-тозалаб, тайёр маҳсулотни тахлашга ҳам улгураяпти. Бу мармар тахтачалар мактаб биносининг пол тўшамларига ишлатилади.

Ёрдамчи бинолар тикланаётган қурилиш майдонида иш бундан-да қизғин. Кўтарма кранчи Адҳамжон Маматқуловнинг чаққонлигига қойил қолдик. У измидаги машинани моҳирлик билан ишлатмоқда. Пастда бошларига каска кийган ишчилар куймаланишмоқда. Осмони-фалакда кран хартуми чарх урмоқда. Унга илинган бетон бир зум ҳавода муаллақ туриб қолади. Қулоққа "Майна, майна" деган овозлар чалинади. Бу пастда блокларни пойдевор устига лойиҳа бўйича тўғри ўрнатилишини назорат қилаётган қурилиш муҳандиси Халимжон Бурхоновнинг товуши.

Қурилиш устаси Сайфутдин Максимов ҳамроҳлигида қурилишни айланамиз. Пиллапоялардан юқорида кўтариларканмиз, бинонинг маҳобатига ҳавасланиб тикиламиз. Бетон ва ойнадан тикланаётган мактаб биносининг меъморий ечими чинданам кўркам. Замонавий архитектура шарқ меъморчилиги анъаналари билан уйғунлашиб кетган. Мактабнинг кираверишни ойнаванд аркни эслатади. Кўзгуларда қуёш нурлари жилваланмоқда. Арк усти рангли шиферлар билан ёпилган. Кенг, ёруғ, чароғон залга кириб келамиз. Оёқ остидаги полга тахта ўрнига мармар плиталар тўшалган.

Биринчи қаватдаги ўқув хоналаридан бирига кирамиз. Янги бўёқдан чиққан девор, эшик-ром, деразаларга боқиб кўз қувнайди. Синфхонасида сўнгги тайёргарлик ишларини бажараётган ёғоч устаси Тўлқинжон Олимов билан Сайфутдин эшик, деразаларнинг очилиб-ёпилиши, электр ёритқичларнинг ишлашини талабчанлик билан кўздан ўтказа бошлади.

Бунёдкорлик ишларини "Боғишамол" кўп тармоқли савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси жадаллик билан олиб бормоқда. Кўтарма кран, ўнлаб юк машиналар хизмат қилаётган техника парки, бетон қоришмаси тайёрлайдиган цех, пишиқ ғишт, оҳак ишлаб чиқарадиган металл конструкциялар, дераза, эшик-ром тайёрлайдиган кичик корхоналар қурилиш суръатини кучайтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Мактабни фойдаланишга топшириш учун 465,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак. Бугунгача 375 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. 2 қаватли ўқув биноси тикланиб, 19 та синф хонаси қўлдан чиқарилди. Ўзингдан чиққанга не етсин. Биринчидан материал-техника таъминотида узулиш бўлмаяпти. Қурилиш таннархи арзонлашиш билан бирга, маблағ иқтисод қилиняпти. Бунинг ҳисобига ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланмоқда. Ишчиларга 2 маҳал бепул тушлик берилмоқда. Қувонарлиси, ойига ўртача 75 минг сўмдан иш ҳақи қўлга тегиб турипти. Тунги сменада ишловчи ёлланма ходимларга қўшимча иш ҳақи тўланмоқда.

— Мактабни биринчи қўнғироққа фойдаланишга топшириш ҳақида ваъда берганмиз, дейди участка бошлиғи М. Ёқубов. - Ҳозиргача лойиҳадаги қурилиш-монтаж ишларининг 90 фоизи бажарилди. 90 нафар қурувчи ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётир. Бош ҳомий — Қўрғонтепа туман ҳокимияти кўмагидан миннатдормиз. "Дўстлик" ширкат хўжалиги қурувчиларга бириктириб қўйилган. Туман халқ таълими бўлими мудири Исомитдин Зайнобиддиновнинг бир оёғи шу ерда. Ишчи кучи, техника воситалари, таъминотда узилиш бўлса, ҳомийлар доим ёрдамга шай.

— Қурилиш қарийб 3 гектар ерни эгаллаган, - дея суҳбатни давом эттиради И.Зайнобиддинов. — Шу кунларда ўқитувчилар жамоаси 20 сотих майдонда гулхона яратмоқда. 1000 тадан зиёд терак қаламчалари экилган. 50 нафарга яқин мураббийлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўқувчилар компьютерлашган синфхоналарда таълим-тарбия оладилар. Фарзандларимиз энди қиш фаслида иситилган, ёзда кондиционерлар билан салқинлаштирилган хоналарда ўқийдилар. Ўнлаб фан тўгараклари, спорт зали, касбларга йўналтирилган устахоналар ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Республикамиз зарбдор қурилишларида*

# УЧИНЧИ СМЕНА БЎШ КЕЛМАЙДИ

***Наманган вилоятининг Чуст ва Тўрақўрғон туманлари оралиғида, аниқроғи, "Анор" боғдорчилик хўжалиги ҳудудида бунёд этилаётган Резаксой сув омбори қурилиши ҳақида ўқувчиларимизга бундан олдин ҳам ҳикоя қилган эдик. Маълумотларга кўра, иншоот қурилишининг биринчи навбатида 26 миллиард 32,8 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши лозим. Ўтган йили бу ерда 11 миллиард 233,3 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Ҳозиргача сув омбори тўғонининг чап ва ўнг қирғоқларида қазиш ишлари, шағалдан тўғон кўтариш ва бошқа бир қатор юмушлар деярлик ниҳоясига етиб қолди. Мингдан ортиқ киши уч сменада меҳнат қиляпти. 250 га яқин автомашина, 40 дан ортиқ экскаватор ва 44 та бульдозердан фойдаланилмоқда. Қаҳрамонимиз ҳайдовчи Баҳодир Каримов ана шулардан бири.***

Биз иншоотда бўлганимизда, ҳаворанг тусдаги қудратли юк автомашинаси кабинасидан эндигина тушган жингалак соч, юзлари қир офтобида қорайган йигитни атрофдагилар қизғин табриклашаётганлари устидан чиқдик. Маълум бўлишича, Баҳодирнинг ушбу иншоот қурилиши бошланганидан бери ўзига бириктирилган автомашинада ташиган юки 2 миллион тоннадан ошибди.

- Унинг пўлат кузовли "азамат тулпори" ўз "елкасида" бир йўла 15-20 тоннагача юк кўтаради, - дея изоҳ берди сув омбори қурилиши бошлиғининг ўринбосари Шамсилло Сатторов. - Йигит бир смена давомида 20 мартагача юк ташиб тўкади.

Баҳодир Навоий вилоятида туғилиб ўсди. Ўрта мактабни битиргач, ҳайдовчилик курсида ўқиб, юк автомобилини бошқариш бўйича мутахассислигини эгаллади. Ҳайдовчилиги армия сафидаги хизмат йилларида ҳам иш берди. Бир неча хил турдаги мураккаб автомашиналарни бошқарди ва қобилиятини намойиш этди. Уйга қайтгач, бошқа тенгдошлари қатори дуч келган иш билан шуғулланиб, кун ўтказишни лозим кўрмади. Сурхондарё вилоятидаги "Тўпалангсув ГЭС қурилиш" очиқ акционерлик жамиятида ишлаш учун ҳайдовчилар ва механизаторларни танлов асосида ишга олишаётганликларини эшитиб, ўша ёққа қараб канот қоқди. Синов вақтида бир неча турдаги автомашиналарни бошқаришга қодирлигини, уларнинг тузилиши ва ишлатиш бўйича маълум тажрибага эга эканлигини намойиш этди. Натижада биринчилар қаторида ишга қабул қилинди. Мана 10 йилдирки, ушбу жамоа сафида. У бошқа сафдошлари қаторида мамлакатимизда ва қўшни республикалардаги қатор ирригация қурилишларида иштирок этиб, ўз ишига моҳирлигини, бириктирилган техникани миридан сиригача билишлигини, ундан самарали фойдаланиш, иш самарадорлигини ошириш, автомашинанинг механизмларини узоқ ва бенуқсон ишлатиш соҳасидаги маҳоратини амалда кўрсатди. Шу боисдан қаердаки улкан қурилишда жамоа иштирок этса, биринчилар қатори уни таклиф этадиган бўлишди.

– Мен болалигимдан, машина ҳайдашга қизиқардим, - дейди йигит. — Абдуғофур ака деган ҳайдовчи қўшнимиз бўларди. Қачонки уйига машина билан келса, мен дарҳол чиқиб, артиб-тозалашга кўмаклашардим. Гоҳо, мактабимизда дарс йўқ кунлари мени ўзи билан олиб кетар эди. Мен сув қуйишда ва бошқа техник қаров юмушларида ёрдамлашиб юрардим. Оқибатда ўрта мактабни тугалламасимдан аввал автомашина бошқаришни дурустгина ўрганиб олдим. Ҳайдовчиликни ўрганиш курсида эса билганларимни назарий мустаҳкамладим.

Биз иншоотни бунёд этаётган турли касб эгалари билан суҳбатлашганимизда, Б.Каримовнинг ажойиб инсоний фазилатларини, одамохунлигини, бошқаларга кўмакка ҳамиша тайёрлигини тилга олишди. Шу билан бир қаторда Баҳодир сингари ишда илғор, ҳаётда ўзгаларга ҳамиша намуна йигитлар билан ҳам танишдикки, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталсангиз, арзийди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИШ БАРОРИДАН КЕЛСА

## кайфият ҳам аъло бўлади

***Мамлакатимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Йирик-йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди, юзлаб маданий-маиший бинолар қад ростлади. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди.***

Олтиариқ Фарғона вилоятининг энг гўзал, довруғи олис-олисларга етиб борган туманларидан бири. Айниқса, деҳқончилик борасида маълум ва машҳурдир. Шу билан бирга, туманда халқ ҳунармандчилиги ва бунёдкорлик ишлари кенг йўлга қўйилган.

Башарти фикримизни тумандаги «1-кўчма механизациялашган карвон» масъулияти чекланган жамият фаолияти мисолида бошлайдиган бўлсак, у эндиликда, вилоят миқёсида кўзга кўринган қурилиш корхоналари қаторидан ўрин олган. Айниқса, инсон қадр-қиммати биринчи ўринга чиққанлиги таҳсинга сазовор. Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун, деган ақида мустаҳкам қарор topган бу ерда. Меҳнат жамоасининг бир мақсад сари интилиши туфайли қурилиш ва ишлаб чиқаришда қўлга киритилган ютуқлар тобора мустаҳкамланмоқда. Маълумотларга кўра, жамоа аъзолари томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида 1,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 135 миллион сўм соф фойда олинган.

Албатта, заҳматли меҳнат ва юксак кўрсаткичлар ортида инсон омили ётади. Уларнинг ишини рағбатлантириш, орзу-умидини рўёбга чиқаришда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бақамти ишламоқда. Тузилган жамоа шартномасида ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, енгилликлар бериш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бандлар ўз ифодасини топган.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчиларга бепул 3 маҳал иссиқ овқат, махсус кийим-бош, дам олиш хоналари ташкил қилинган. Энг муҳими, улар вақти-вақти билан ғайрат-шижоатига қараб муносиб рағбатлантирилмоқда. Ўтган 2004 йилда 18 нафар ишчилар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олдирилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич сезиларли даражада ошди. Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан 15 нафар ходимга энг нуфузли сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар бериш кўзда тутилган. Жамоада спорт ишлари ҳам ҳавас қиларли даражада. Шу боисми, зар қадрини заргар билади, қабилида иш тутилиб, вилоят болалар спорт жамғармасига жорий йилда 6 миллион сўм маблағ ҳомийлик сифатида ўтказилди. Шунингдек, корхона даромадлари ҳисобидан талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Олтиариқдаги 240 ўринли мактаб биносининг қўшимча қисми бепул қуриб фойдаланишга топширилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Бундан ташқари, тумандаги «Чинортаги» маҳалласи кўчасига 5 минг куб метр асфальт бепул ётқизилди. Бугунги кунда асфальт, алебастр, оҳак, темир-бетон, пишган ғишт, ёғочни қайта ишлаш цехларида сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 65 тадан зиёд қудратли техникалар мавжуд.

Айни вақтда жамоа аъзолари томонидан Олтиариқдаги Катпут қишлоғидаги 530 ўринли умумтаълим мактабини капитал реконструкциялаш амалга оширилмоқда. Охунбобоев тумани Қайилма қишлоғидаги тендер қиймати 520 миллион сўмдан иборат касб-ҳунар коллежини таъмирлаш ишлари поёнига етказилмоқда. Риштон туманидаги 51-сонли умумтаълим мактаби қурилиши ҳам шулар жумласидан.

Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир пайвандлаш, яна кимдир темир-бетон ишлари билан банд. Тажрибали ҳайдовчилар эса юк ташиш машиналарини усталик билан бошқариб, шағал келтириш учун яна ортга қайтади. Корхона раҳбари Раҳматжон Эркабоев қурувчилар билан қурилишга доир барча масалаларни жойида ҳал қилмоқда. Бу ерда илғорлар: участка бошлиғи Собирхўжа Раҳмонов, иш юритувчи Зокиржон Фармонов, ишчилар Шуҳрат Раҳмонов, Содиқ Шокиров, Ҳусан Маҳкамов ва бошқаларнинг номларини фахр билан тилга олишади.

Дарвоқе, юқорида қайд этилган қурилиш иншоотлари мустақиллигимиз байрами арафасида топширилади. Ишчилар ушбу тантанани ҳар қачонгидан-да хуш кайфият билан кутиб олишга аҳд қилишган.

**А.РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Қизилтепа туманининг Сўфиён қишлоғида 600 ўринли янги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биноси қад ростлади. Жорий йил бошида киришилган мазкур қурилиш майдонида сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Уни вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш инженеринг компанияси буюртмачи сифатида пудратчи ташкилот «Зилола» пойдевор ишлаб чиқариш корхонаси зиммасига юклаган. Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда корхонанинг 402 нафар ишчи-хизматчиси жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли қисқа вақт ичида қурилиш якунланмоқда. Мустақиллик байрами арафасида коллеж биноси фойдаланишга топширилади.

**Суратларда: қурилиш жараёнидан лавҳалар.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**



# ҚАЛБАКИ ТУШУНТИРИШ

## кимнинг манфаатига хизмат қилмоқда

***Когондаги баъзи раҳбарлар бу аёлни «ёзувчи», Ўртачўл қишлоғидагилар эса аксинча «30 йил хўжалик молини боққан, ҳалол, меҳнаткаш» деб таърифлашди. Дарвоқе, буни улар қўлида сақланаётган «Фахрий ёрлиқ»лар, газеталарда чоп этилган мақолалар ҳам тасдиқларди. Лекин бугун кечаги кун ютуқлари билан кўкракка уриб яшаб бўлмайди. Ҳар бир даврнинг ўз масъулияти бор.***

Шу ўринда Ўртачўл ва ўртачўлликлар ҳақида. Исми-жисмига монанд бу маскан 1970 йиллардан бошлаб ўзлаштирилган. Ўтўланга бойлиги, чорвага қулайлиги учун ўша пайтдаги «Узглавжывпром»га қарашли хўжалик ташкил этилган. Эр-хотин Умар ва Хожибиби Ҳайитовлар ҳам чўлга келган дастлабки қалдирғочлардан. Хўш, Ҳожибиби аянинг бугун турли идораларга, газета таҳририятларига шикоят қилишига нима сабаб бўлди.

«Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2003 йил 22-24 январдаги ҳал қилув қарорига биноан даъвогар – Когон туман Шароф Рашидов номли ҳиссадорлик жамияти бизларга нисбатан «ғайриқонуний эгаллаб турган ер майдонидан чиқариш, техникаларни олиб бериш ва фойдаланилган электр энергияси учун 155 153 сўмни ундириш» тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб даъвони қисман қаноатлантирди, – деб ёзади опа. – Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд мажлиси 2002 йилнинг ўрталарида бошланган эди. Низога сабаб бўлган жой – бизга хўжаликнинг 1989 йил 8 апрел ва 1 августдаги оилавий пудрат ташкил этиш учун ташландиқ ердан 0,5 гектар ажратиш ҳақидаги қарорига асосан берилган эди. Бизлар бу ташландиқ ерда ўз ҳисобимиздан уй-жой ва молхона қурдик. Суд бу ҳолатларни умуман текширмаган экан.

Бизлар эса судга умуман чақирилмаганмиз ва суд куни тўғрисида ҳеч ким хабар бермаган. Судда бизларнинг ҳуқуқимизни ҳимоя қилиш мақсадида Истам Ражабовни вакилликка олган эдик. 2003 йилнинг январ ойида бўлган суд мажлис куни тўғрисида на вакил, на суд бизни хабардор қилган. Ваҳоланки, ФПКнинг 132-моддаси талабларига кўра чақирув қоғози етказиб берилиши ва топширилиши шарт эди. 2003 йилнинг 21 январида танаффус эълон қилиб, суд мажлиснинг 22 январга қолдирилганини ўз қарорида қайд этган. Аммо ФПКнинг 117-моддасига биноан ишни кейинга қолдиришни тарафларга эълон қилиб, бу ҳақда уларга имзо қўйдириши ва келмаган тарафга чақирув қоғози юборилиши шарт бўлсада, қонуннинг бу талаби ҳам суд томонидан бажарилмаган. Бу ҳам етмагандек, суд музокарасида бизлар ва бизнинг вакилимиз иштирок этмасада иш тугатилиб, хулоса қилинган. Ваҳоланки, ФПКнинг 224-моддасига биноан жавобгар суд мажлисида иштирок этмаса сиртдан қарор чиқарилиши лозим эди. Бизларга вакил бўлган Истам Ражабов эса суддан кейин бизларга умуман учрашган ҳам, суд нима билан якунланганини билдирган ҳам эмас. Шу кунгача у бизлардан қочиб юрибди.

Суд қандай қарорга келганини яқинда Когон туман суд ижрочилар бўлинмасининг 2005 йил 22 июлдаги 432-сонли хатини олгандан сўнг билдик. Вилоят фуқаролик судига қилган мурожаатимиз кутилган натижани бермади. Даъвогарлар молхона ва бизлар етти жон ўз меҳнатимиз билан қурган уйимиз ҳақида лойиҳа-сметани тақдим эта олмасада, иш улар фойдасига тўғри ҳал қилинган, деб топилди.

Суд даъвогар Ш.Рашидов номли ҳиссадорлик жамияти бўлиб, бизлар ҳам шу жамиятнинг ҳиссадорлари эканимизни, улушимиз 79 дона акцияда ифодаланганини, бинобарин, ушбу низо нафақат фуқаролик қонуни нормалари, балки «акционерлик жамиятлари тўғрисида»ги қонун нормалари билан тартибга солинишига эътибор бермаган...»

Ҳужжатлардан кўринишича, молхона можароси Тошкент шаҳар «АЮБТ» МЧ аудиторлик жамияти аудитори Ғофур Жумаев томонидан ўтказилган текширувдан сўнг, тўғрироғи, хўжаликнинг «2001 йил 1 январ ҳолатидаги 0,1 ҳисобдаги асосий воситалар китобида молхона йўқлиги» аниқлангандан кейин бошланган. Жамиятнинг 2000 йилдаги ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш бўйича оралиқ далолатномадан шундай чалкаш сатрларни ўқиш мумкин: «Қўшимча текшириш ўтказиш натижасида маълум бўлишича, бу молхона биноси жамиятнинг вилоят давлат мулк қўмитаси томонидан 1994 йил 1 июн ҳолатига асосий воситаларни рўйхатга олиш ва баҳолаш далолатномасида 31-рақам билан 400 бошга мўлжалланган қорамоллар айвони (навес для КРС 400 голов) деб қайд этилган бўлиб, молхона биноси 14.335.854 сўм-купон миқдорида баҳоланиб, қурилган йили 1978 йил деб кўрсатилган.

Жамиятда мавжуд мазкур қурилиш лойиҳаси ва сметасида эса қурилиш 1988 йилда деб кўрсатилган. Яъни лойиҳа ва сметага нисбатан далолатномада 10 йилга нотўғри кўрсатилган. Ушбу қорамоллар айвони 1997 йил 1 октябр ҳолатига асосий воситаларни қолдиқ қийматини аниқлаш мақсадида саноқ-йўқлама ўтказилиб, давлат мулк қўмитасига тақдим этилган. Далолатномага киритилмаган».

Ўқишда давом этамиз: «Жамиятнинг 23.05.2001 йилдаги 45-сонли буйруғи билан жамият мутахассисларидан иборат гуруҳ томонидан 28.05.2001 йил кунидаги мазкур молхона биноларини қайта баҳолаш ва жамият ҳисобига 0,1 ҳисобга кирим қилинган ҳамда давлат мулк қўмитасига маълум қилиниб, мазкур бино давлат мулк қўмитаси томонидан ҳозирги нарх билан 707000 сўмга қайта баҳоланиб, низом жамғармасига ўзгартириш киритилган ҳолда 75 фоиз меҳнат жамоаси ва эркин савдода сотиш ҳақида, 25 фоизи давлат улушида қолдирилиши тўғрисида кўрсатма бериб, далолатнома расмийлаштирилган».

Далолатномада шунингдек, молхона 1986-89 йилларда давлат томонидан хўжаликка берилган қуйилма маблағлар ҳисобидан қурилганлиги, ишни хўжалик қурилиш бригадаси амалга оширганлиги, хўжалик машина ҳамда тракторларидан фойдаланилганлиги, бу бош иқтисодчи М.Хожиева ва далолатномада номи келтирилмаган ҳайдовчи, ишчи-хизматчиларнинг оғзаки кўрсатмалари билан тасдиқланганлиги қайд этилади.

Жамиятнинг судга даъво аризаси киритишига ана шу далолатнома асос бўлган кўринади. Ҳожибиби Ҳайитованинг айтишича, далолатнома исбот далилларсиз, ҳатто бир-бирини инкор этувчи фактларга асосланган ҳолда палапартиш ёзилган. Унинг талаби билан Когон туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси томонидан Тошкент шаҳар «Тадбиркорларни рўйхатга олиш бошқармаси» бошлиғига юборилган хатда «АЮБТ» МЧ аудиторлик жамияти рўйхатга олинганлиги ва шу жамиятнинг манзили тўғрисида маълумот сўралган.

Бугунги кунда Ўртачўл сервис хизмати деб номланган масъулияти чекланган жамият раиси Тўймурод Шоқулов келтирилган далилларни инкор этиб, «Ҳайитов Умар ва Ҳайитова Ҳожибибилар хўжалик мулкини талон-торож қилиб келмоқдалар. Ҳатто, улар собиқ раис Ўринов Икром билан бирга сохта ҳужжатлар, ер ажратиш тўғрисида қарорлар тахлаб олганлар», дейди ва далил сифатида ўша қарорлардаги имзоларни ўзи тақдим қилган тушунтириш хатларидаги имзолар билан солиштириб кўришимизни сўрайди. Мана қўлимизда Когон туман прокурори Н.Нуриллаев номига собиқ совхоз ишчилар қўмитаси раиси Рамазон Музаффаров, жамият ишчиси Раҳмон Бўриев, собиқ ферма мудири Барот Рамазонов, собиқ раис ўринбосари Ғ.Каримов, жамиятнинг собиқ катта устаси Файзулло Қўшаев, ҳайдовчи Тоҳир Фатуллаевлар томонидан ёзилган тушунтириш хатлари. Фақат баъзи хатлар остидаги «12.02.2002й» саналари бошқа бир шахс томонидан ёзилганлиги сизни бироз ҳушёр торттиради. Хуллас барча хатларда молхона айвони хўжалик ҳисобидан қурилгани, ҳеч бир шахснинг шахсий маблағи сарфланмагани уқтирилади. Бундан чиқди, хўжалик ишчилари ва касаба уюшма қўмитасининг 1989 йил апрел-август ойларидаги ташландиқ ердан 0,5 гектар ажратиш тўғрисидаги қарори қалбакими? Наҳот, хўжаликнинг собиқ ишчилар қўмитаси раиси Р.Музаффаров Ҳайитовларга ўз ҳисобидан 400 бош молга мўлжалланган айвон ва уй-жой қуришга рухсат берган йиғилиш қарорини тасдиқлагани ҳолда прокуратурага ёзган тушунтириш хатида буни инкор этиб, у ишлаган даврда барча молхона ва қурилишлар хўжалик ҳисобидан қурилганини баён этган бўлса. Демак Тўймурод Шоқулов айтганидек, тушунтириш хатидаги имзо ҳақиқий, қарорлардаги имзолар эса ясамами?

Рамазон ака Музаффаров пенсия гаштини сураётган экан. Салом-аликдан сўнг унга кўрсатилган тушунтириш хати отахонни бироз шошириб қўйди. Мана унинг билдириш хати. «Мен ҳақиқатан 1989 йилда ишчилар комитети раиси бўлиб ишлаганман. Молбоқар Ҳайитов Умарга фойдаланилмай, ўзлаштирилмаган ердан 0,5 гектар ажратиш тўғрисидаги 08.04.1989 йилдаги ишчилар комитетининг қарорига қўл қўйганман ва розилик берганман.Мен қатори хўжалик раҳбари И.Ўринов ҳамда Р.Муҳаммедов, Б.Рамазонов, А.Музаффаровлар ҳам қарорни тасдиқлашган».

Иккинчидан, Когон туман прокурори Н.Нуриллаев номига 12.02.2002 йилда ёзилган тушунтириш хатини мен ёзмаганман, имзо ҳам меники эмас.

Менинг билишимча тушунтириш хатида кўрсатилган далиллар тўғри».

Эътибор берган бўлсангиз Рамазон Музаффаров ўзи ёзмаган тушунтириш хатида келтирилган далиллар тўғрилигини таъкидлаяпти. Ҳолбуки, отахон қўл қўйган 1989 йил 1 августдаги йиғилиш баённомасида ҳақиқатан ҳам Ҳайитов Умар ва Ҳайитова Ҳожибибилар ўз меҳнатлари билан ўзлаштирилмаган майдонни тартибга келтиришгани, бундан ташқари директор Ўриновнинг розилиги билан молхона ва ўзларига турар-жой қуриб олганини, иккинчи бўлим бошлиғи А.Музаффаров ва И.Бўриевалар ўз сўзларида тасдиқлашгани, шу асосда қарорнинг биринчи бандида 2-бўлим, 2-бригаданинг 0,5 гектардаги молхона ва турар-жой Ҳайитов Умарга шахсий мулк сифатида расмийлаштирилсин» дейилгани наҳот бугун ёлғонга айланса. Ундай десак, отахоннинг ўзи тушунтириш хатини эмас, қарордаги имзонинг тўғрилигини тасдиқлаяпти-ку.

Ҳиссадорлик жамияти собиқ бош ҳисобчиси Қаҳҳор Ашуров «молларни соғломлигини аниқлаш мақсадида «карантин майдон» 1989 йилда қурилган, ўша йилда хўжаликнинг асосий воситалар дафтарида балансга олинган» дейишдан эринмайди. Амалда эса тасдиғи учун бирон ҳужжат кўрсатиб беролмади. Ҳайитовларда эса молхонанинг хусусий мулк эканлигини тасдиқловчи Когон туман ТРББ (БТИ) лойиҳаси ҳамда электр энергиясига пул тўланганлиги ҳақида ҳужжат мавжуд. Суд эса келтирилган далилларнинг бирортасини инобатга олмаган.

Энди яна қалбаки хатга қайтсак. Прокурор номига Рамазон Музаффаров номидан бундай мазмунда хат ёзиш, ундан ғаразли мақсадда Ҳайитовлардан молхона айвонини ва ерни олиш учун фой-

# БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ
## мавсуми қандай ўтмоқда?



Тошкент вилояти ҳудудида 50 та ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд бўлиб, шундан 37 таси Бўстонлиқ туманининг баҳаво тоғ ён бағрида жойлашган. Айтиш жоизки, оромгоҳлар ўтган йилга қараганда анча гавжум. Бу мавсумга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрилганидан дарак беради. Қолаверса, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг ёзги таътилни кўнгилли, мароқли ва унумли ўтказишини хоҳлайди.

Ушбу мавсумда жами 7200 дан ошиқ бола дам олдирилиб, соғломлаштириши режалаштирилган. Албатта, ниятнинг ўзи кифоя қилмайди. Буни амалга ошириш учун саъй-ҳаракат қилиш ҳам лозим. Оромгоҳларда болаларнинг кўнгилли, мароқли дам олиши учун нафақат моддий-маиший, шунингдек, маданий-маърифий ишлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Хусусан, «Наргиз» оромгоҳи қайта таъмирланиб, моддий-техник томондан бекаму кўст тус олиб, хоналари шинам ва кўркам ҳолга келтирилганлиги бугун дам олувчиларга ором бахш этмоқда. Ҳозир бу ерда 300 га яқин бола дам олмоқда. Тарбиячи-ўқитувчилар ўз ота-оналаридек ғамхўр. «Алгоритм», «Чимган», «Оқ елкан» номли болалар оромгоҳи ҳам кўнгилдагидек жиҳозланган. Спорт, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда тиббий хона мавжуд бўлиб, унда малакали ходимлар билан ишлашяпти. Улар муттасил равишда витаминли оқсилга бой маҳсулотлар берилиши ҳамда уларнинг сифати юқори бўлишини назорат қилишади. «Оқ елкан» болалар оромгоҳида бўлганимизда бунинг шоҳидига айландик. Ушбу масканда маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, турли тўгараклар, кўнгилочар тадбирлар мунтазам равишда уюштирилиб, болалар мумкин қадар мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча чоралар кўрилмоқда.

Бироқ, масъулиятли даврнинг қолган муддатини ҳам ҳар томонлама намунали ўтказишга эришиш учун ечимини кутаётган баъзи муаммоларга эътиборни қаратиш лозимга ўхшайди. Улар эса анчагина. Хусусан, Паркент туманидаги «Орзу» номли оромгоҳда бўлганимизда болалар ётоқхонасида қайнатилмаган сув қўйилиб, болалар битта идишдан битта пиёладан ичишаётганининг гувоҳи бўлдик. Ваҳоланки, бу санитария-гигиена қоидаларига мутлақо зид. «Бойқазон» ширкат хўжалигига қарашли «Бойчечак» номли оромгоҳи кутубхонаси болалар учун газета ва журналларнинг янги сонлари билан таъминланмаганлиги эса лоқайдликдан бошқа нарса эмас.

Болалар бизнинг келажагимиз. Муносабат ҳам шунга яраша бўлиши керак.

**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Эл нетиб топғай мениким...*

# ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИДА

***Мажоздан мажо мақсад эрур ҳақиқий ишқ,***
***Нединки, «аҳли ҳақиқат»ға бу «тариқат» эрур.***
***Мажоздин чу «ҳақиқат»ға йўл топар ошиқ,***
***Қилур мажозки, нафий улки бетариқат эрур.***

Унинг «Чор девон» номли куллиёти саҳифаларида сўфиёна истилоҳлар тўлиб-тошиб ётибди. Академик Бартольднинг айтишича, Навоий расмий давлат ишларидан бўшагандан кейин, 1477 йилда Нақшбандий – сўфийлик низомномасини расмий қабул этган. Навоий шундан кейин сўфизм билан кенг шуғулланиб, юқорида тилга олинган икки асар «Лисон-ут-тайр» ва «Насоимул муҳаббат»ни яратган.

Навоий ёшлигидан бошлаб сўфиёна майллар билан мафтун ҳолатда яшаганлигини юқорида қайд этган эдик. Шунинг учун ҳам у билан тасаввуфчи шоирлар ўртасида тез-тез суҳбат ўтказиб турилган. Улар орасида сўз санъатида, тасаввуф тариқати бобида,тарих илмида ўта билимдон, нафис ҳиссиётли ижодкорлардан бўлган Паҳлавон Муҳаммад ҳам бор эди. У мусиқа ва нужум илмлари бўйича ҳам юксак мартабага эришган шахс эди. Айниқса, шеъриятнинг жуда мураккаб ва нозик масалаларни назариётчи олим ва ижодкор жуда атрофлича чуқур билар эди. Шундан бўлса керак, аксар аҳли шуаро шеър ёзсалар биринчи навбатда Паҳлавон Муҳаммаднинг нигоҳидан ўтказиб олар эди. У маъқул кўрмаган, ўзгартиш киритилиши лозим бўлган шеърий асарлар мамнуният билан қабул қилинар эди. Шу жиҳатдан ҳам у улкан шоир Навоий билан мазмият оламида бўладиган мубоҳасали масалаларни ўртага қўйиб фикр алмашиб турарди. Унинг ўз замонасининг буюк маликулкаломи Лутфий билан Насимийга солиштириб баҳолашни ўртага қўйиши ҳам сира тасодифий эмас. Гап шундаки, Навоий тасаввуф мазмунини ўзида жо этган етти байтдан иборат бир ғазални ёзиб, уни ҳеч кимга кўрсатмай, чўнтагига солиб қўяди. Бу ғазалнинг матласи шундай бошланади:

***Ҳар қаён боқсам кўзимга ул қуёшдин нур эрур,***
***Ҳар сори қилсак назар ул ой менга манзур эрур.***

Ана шу тасаввуфона ғазал Паҳлавон Муҳаммадга жуда ёққани учун ҳам уни Навоийга билдирмасдан кўчириб олади. Сўнгра у ғазал мақтаъига Насимий тахаллусини қўйиб, шоирнинг ўзига ёдаки ўқиб беради. Навоий бундан ғоятда таажжубга тушади. Унинг тасаввуфга мойил серқирра ижодини нозик ҳис қилган Паҳлавон Муҳаммад «туркигўй шоирлар орасида ҳозир қайси шоир зўр», деган саволни беради. Навоий ўйлаб ўтирмай, барчаси яхши деб жавоб қилади. Шунда у «сен камтарлик ва тавозеъликни қўй, ҳақиқат юзидан фақрингни айт» деб тағин мажбур қилганида, у Мавлоно Лутфий деб жавоб қилади. Паҳлавон давом этиб «нега Саййид Насимийни демадинг» деб сўрайди. Навоий жавобида Насимий шеърияти ўзгача ранг, ҳолга эга, у бугунги дунёвий шоирларимиз қатори шеър айтмайди, унинг мисраларида ҳақиқат тарихи кучли деб жавоб қилади. Жавобни тинглаган Паҳлавон яна киноя қилиб: «Нега Саййид Насимий борида Лутфийнинг шеърларини мақтайсан дейди ва унга ўзича изоҳ бериб, Навоийнинг ғазалини мажоз тариқида ҳам, ҳақиқат тариқида ҳам тушуниш мумкин, деб унинг маҳорати Лутфийникидан ортиқроқ эканлигини очиқ таъкидлайди.

(Боши ўтган сонларда)

Маълумки, Навоий ёшлигидан тасаввуф шоири Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» асарини мутолаа қилиб, ҳатто уни бошдан-оёқ ёд олган эди. Паҳлавон Муҳаммад ўз даврида Насимий шеърияти ўзига хос даражага эга бўлганлигини имо-ишора қилади. Насимийнинг ваҳшиёна қатл этилиши, айниқса, Ҳирот адабий муҳити ўртасида катта овоза бўлган эди. Навоий улкан шоир сифатида ижод майдонига кириб келган паллада Ҳирот адабий жараёнида Насимийнинг ёди ҳамон жаранглаб турган эди. Навоий ҳам бир мухлис сифатида ўз қарашларини билдириб, «Насоимул муҳаббат»да Насимий шахсиятини тилга олар экан, унинг энг ноёб исёнкор мисраларини мисол тариқасида келтириб ўтади: «Саййид Насимий Ироқ ва Рум тарафида мулкдин эркандур. Румий ва туркманий тил била назм айтибдур ва мазмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мунжариждур.Мазкур бўлгон мулк аҳлига анинг шеъри муҳобиласида ҳамоноки шеър йўқтур. Ҳамоно таҳлил аҳли ани мазҳабида қусур туҳматига мутғаҳим қилиб шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқ дуоки, терисин суяр ҳукм бўлибтур. У ҳолатда бу шеърин дебтурки, назм:

***Қибладур юзунг, мигоро, қошларинг меҳроблар,***
***Суратинг мусҳаф вале холу хатинг эъроблар.***

Ва бу шеърнинг тахаллуси ушбу муддаога дебдуркм, назм:

***Эй, Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,***
***Қўй терингни сўйса сўйсун, бу палид қассоблар.»***

Бу байтларда Насимий ўлими чоғида ҳам орқага қайтмай, башар жинсини шарафлаб, унинг юзини Каъбатуллоҳга, қошларини эса мўътабар меҳробга ўхшатаётир. Байтнинг иккинчи қаторида эса инсон юзидаги аъзолар Қуръон ҳарфларига қиёсланади. Кейинги байтда эса, Насимий золимлар қўлида сўйилишини Оллоҳга тезроқ етишиш йўлидаги бир шараф дейди. Шу туфайли ҳам у дадил туриб «бу палид қассоблар мени сўйса сўяверсинлар, бу билан мен Оллоҳнинг иқболи ва васлига тезроқ етган бўламан» деган сўфиёна даъвони ўртага қўяди.

Насимий ўзидан аввалги Халложлар, Боязид Бистомийлар фалсафаси ортидан эргашиб, мураккаб бўлган қийин саволларга жавоб қидиради. Унинг фикрича, киши сўфийлик сулухига кирса, ҳамма моддий қийинчиликлардан, тенгсизликлардан қутилади. Кишига энг олий мукофот – бу «фано филлоҳ» бўлиш, яъни Оллоҳга етишиш, аслга қайтишдир. Сўфизмдаги бундай қараш ундан аввал Халложда, кейинроқ, Атторда ва Румийда ҳам зоҳир этилган бўлиб, улар «Мантиқут тайр» ва «Маънавий маснави» мавлавий асарларида тадқиқ этилган. Жумладан, Румий 27 минг мисрали улкан асарини:

***Айлагил най не ҳикоятлар қилур,***
***Ким жудоликдин шикоятлар қилур,***

деган мисраларини жуда нозик рамзлар билан бошлайди. Чиндан ҳам най ўз овози билан нималардан ҳикоят қилиши мумкин ва қандай жудоликдан шикоят этиши мумкин? Румий ўз асарини тўғридан-тўғри тасаввур фалсафасининг энг марказий ва энг муҳим масаласидан бошлайди. Қамишдан қирқиб олиниб, чалинадиган най ўз аслидан жудо бўлганидан йиғлайди, шикоятлар қилади. Унинг орзуси ўз асли билан яна қўшилиш. Бунда чуқур тасаввуфий ғоя ётганлигини сезиш қийин эмас. Қирқиб олинган қамиш Худонинг тимсоли бўлиб, най инсоннинг мажозий образидир. Яъни, инсон Оллоҳ вужудидан вақтинча муддатга кесиб олинган бўлиб, у яна ўз асли-худо билан қўшилишни орзу қилади ва бунга эришиш йўлида кўз ёш тўкади.

Навоий Румийнинг най ва қамиш ҳақидаги даъвосини «Лисонут тайир»да ниҳоясига етказади. Унда худ-худ бошчилигидаги 30 қуш етти водийнинг заҳматларини босиб бўлиб, белгиланган маконга етиб борадилар. Бироқ, у ерда Семурғ деган қушни эмас, ўзларини кўрадилар. Демак, Оллоҳ йўлида шунча водий қийинчиликларини босиб ўтиб, Худони эмас, ўзларидаги худони қидирган эканлар. Ҳуруфийларда ҳам инсон Оллоҳ йўлида ғурбат ва машаққат чекиб, тоат ва ибодат билан маърифат ҳосил қилиб, Оллоҳнинг зуҳурига заррасига айланадилар. Достонда акс этган ана шу тугал тасаввуф ғояларини кўра била туриб бизнинг навоийшуносларимиз ҳануз унинг ижодида ерга хос ҳаётликдан иборат фикрлар, ҳислар ифодасини қидирадилар. Улар Навоий шеъриятидаги аллигорик усулларни, символикани, нафис рамзларни тушунгилари келмайди. Айниқса, унинг май ва маҳбуб ҳақидаги шеърларининг асл мазмунли тушуниш учун тасаввуф пардасини кўтара билиш лозим. Навоийдаги май ва маҳбуб қисман ҳаётий, қисман тасаввуфий йўналишдадир.

Навоий ғазалларида май, майхона, май сотувчи гўзаллар ва маст-аласт бўлиб қичқирган кишилар овози тез-тез эшитилади. Шоир ўзини шулар орасида кўради, шу муҳитга интилганини билдиради. Бир хўплам май учун салласини гаровга қўйганини сўзлайди. Бунинг бари тасаввуф шеъриятининг зарурий кўринишларидир. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам буни ҳис қилиб, май ва майхонани тасаввуф йўлидаги символика эканлигини очиқ айтади.

Демак, ҳар бир китобхон Навоий лирикасини ўқиганда, масаланинг бу жиҳатларига эътибор билан қараши керак. Чунки, Навоий Худо, олам, ҳаёт, ўлим, севги ва май талқинида масалага тасаввуф мазмунидан келиб чиқиб ҳам ёндашади.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## МУНОСИБ СОВҒА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "2005 - 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш тўғрисида"ги қарори асосида кўрилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун замонавий методик талаблар асосида янгиланган адабиётлардан бир нечаси босма юзини кўрди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ўқувчи ёшларни янги ўқув адабиётлари билан қуроллантиришнинг истиқбол режаси асосида иш кўрмоқда. 2005 - 2006 ўқув йилида мактабларнинг 6 - 7 синфлари учун "Она тили", "Адабиёт", "Ўзбек тили", "Алгебра", "Ўзбекистон тарихи", "Жаҳон тарихи" каби дарсликлар танлов асосида босмага тайёрланди.

Янги ўқув йили олдидан бундай ўқув адабиётларидан аксарияти чоп этилди.

**А.АЛИЕВ**

# ОҚ ХАЛАТЛИЛАР
## маҳаллаларда

***Бўз тумани Андижон вилоятининг чўл минтақасида жойлашган. Бу демакки, жасорат кўрсатишга иштиёқманд кишилар макони. Қиламан деганга иш, ишни қойил қилганга олқиш деганларидек фақат вакт етса, ташаббускорлик бўлса кифоя. Зеро туман тобора ободонлашиб, иқлим ҳам шунга яраша мўътадиллашиб бормоқда.***

Саломатлик бўлса, ҳаммасига улгуриш мумкин. Шу боис туманда кенг омма ўртасида соғлиқни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик, айниқса, ёшлар ўртасида саломатликнинг қадри, фаол, узоқ умр кўришга эришиш ғояларини тарбиявий маърифий асосда етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" номли маърузаси юзасидан суҳбат ва маърузалар ўтказилмоқда.

"Саломатлик асослари", "Валеология асослари" ўқув курсларини малакали шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимлари олиб бораётганлиги айни муддао бўлмоқда. Туманда мавжуд битта шаҳарча, 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 18 та маҳаллаларда "Соғлом оила" тарбиявий-маърифий лойиҳасини амалга ошириш, аҳоли ўртасида саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича тарғибот ишлари амалда ўз натижасини бера бошлади.

- Инсон аввало ўзи, оила аъзоларининг соғлиғини ўйлаши ва буни ҳаётий зарурат эканлигини англаши зарур, - дейди марказий шифохона бош врачи А. Турғунов. - Бу борада жойлардаги замонавий жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти ходимлари, марказий шифохона ходимлари томонидан "Оналар ва болалар муҳофазаси" юзасидан хотин-қизлар учун репродуктив саломатлик, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибатлари, туғма ногиронликнинг олдини олиш ва соғлом оилани вужудга келтириш юзасидан кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Муаммолар ҳам талайгина. Марказий шифохонадаги тез ёрдам бўлимида транспортлар етишмайди. Шошилинч тиббий ёрдам, туғруқ бўлими ва юқумли касалликлар бўлимларида таъмирлаш ишлари ҳамда мутахассислар малакасини ошириш юзасидан бир мунча камчиликлар мавжуд. Айниқса, туғруққа ёрдам кўрсатиш муассасаларида камқонлик касаллиги билан даволанган аёлларни таркибида темир моддаси мавжуд препаратлар билан таъминлаш қониқарсизлиги кишини ташвишлантиради.

Кези келганда аҳоли ўртасида соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни кенг тарғиб қилиш учун малакали мутахассислар етишмаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Путурдан кетган саломатликни тиклаш ҳамиша оғир кечади. Шундай экан, соғлиқнинг қадрига соғ эканликда етган маъқул.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Билгинки, наҳорга сув ичиш, бадантарбиядан кейин, ҳаммомга тушгандан кейин, айниқса, оч қоринга ичиш, шунингдек, кечаси маст ва хумор кишиларда пайдо бўладиган ёлғондакам ташналикда ҳамда табиати овқатнинг ҳазми билан овора бўлиб турган вақтда сув ичиш зарарлидир.

* * *

Ҳаммомнинг кўп фойдалари билан бирга зарари ҳам бор. У заифлашган аъзоларга чиқиндиларнинг қуюлишини осонлаштиради, баданни бўшаштиради, асабга зарар етказади, туғма иссиқликни тарқатади, овқатга бўлган иштаҳани туширади.

* * *

Қайт қилган киши қайт қилишдан қутилгач, сиркага сув аралаштириб оғзини ва юзини ювиши керак, бунда бошда пайдо бўладиган оғирлик кетади. Ортиқча қайт қилиш жигарга, ўпкага ва кўзга зарар қилади, гоҳо баъзи томирларни ёради.

* * *

Ёмғир суви ҳам яхши сувлар жумласига киради, хусусан, ёзда момақалдироқли булутлардан ёққан бўлса.

* * *

Тумов ва назлага учраган киши ётганда боши хилтга тўлиб қолмаслиги учун қорнини овқат билан тўйғазиб ётмаслиги керак. Доимо бошини иссиқ тутиши, уни совуқдан узоқлатиши керак.

*Теннис*

# САФИН МАШҒУЛОТЛАРНИ БОШЛАЙДИ



АТР таснифида олтинчи ўринда бораётган россиялик теннисчи Марат Сафин келгуси ҳафтадан машғулотларга киришади.

Теннисчи Италиянинг Болонье шаҳрида ўтадиган машқлардан сўнггина кортга қайтиш ҳақида ҳал қилувчи қарорини айтади.

Аввалроқ, Сафин июл ойининг бошларида тиззасидан ўтказган жарроҳлик муолажаларидан сўнг Канаданинг Монреал шаҳрида бошланган «Мастерс» турнирида қатнашишни режалаштирганди. Бироқ, ҳамма нарса рисоладек бўлавермаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

# УЧИНЧИ МАРТА ЗАФАР ҚУЧДИ

Америкалик қора танли опа-сингил Уильямсларнинг каттаси Венус ҳам энг кучли теннисчилар сирасига киради. У Буюк Британия очиқ чемпионатида учинчи марта зафар қучди. «Буюк олишув» дея ном олган финал баҳсида у ватандоши, дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси Линдсей Дэвенпортни 6:4, 7:6, 9:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, у «хет-трик»ни нишонлайдиган бўлди. «Қора танли чақмоқ» авваллари 2000 йил ҳамда 2001 йилларда ушбу чемпионатда зафар қучганди. Кейинги икки йилда бўлиб ўтган оилавий баҳсда синглисига имкониятни бой берганди.



Катта Уильямс чемпионатда зафар қучиш билан бирга учта рекордни ўрнатди. Биринчиси, у «Уимблдон» турнирида матч-болда ғолиб чиқди. Ушбу финал турнир тарихидаги энг узоқ давом этган ўйин сифатида эътироф этилди. Учрашув 2 соату 45 дақиқага чўзилди. Бу ҳам ўзига хос рекорд натижа. Учинчиси, у теннисчилар таснифида энг паст рақамда (14) иштирок этган бўлишига қарамасдан ғолибликни қўлга киритди.

– «Катта шлем» турнирларида зафар қучганимдан хурсандман. Ва ниҳоят жароҳатлардан қутилиб, бор кучимни намоён этишга мушарраф бўлдим, – дейди чемпион қиз.

*Енгил атлетика*

# МЕДАЛЛАР ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА...

«Ўз уйингга хуш келибсан» шиори остида Хельсинкида ўтаётган жаҳон чемпионати тобора қизғин тус олмоқда. Ташкилотчилар биринчи жаҳон чемпионати айнан шу шаҳарда 1983 йилда бўлиб ўтганлигини бот-бот эслатишдан чарчамаяпти. Ҳамма нарса ўша тарихий чемпионатга урғу бергандек, ўша Олимпия ўйингоҳи, ўша «Спорт қишлоғи» 20 йил олдин қандай бўлса, шундайлигича кўриниш касб этган. Фахрий меҳмонлар сафида ҳам ўша чемпионат ғолиблари Хайке Дрехслер, Сергей Бубка, Ярмила Кратохвиловаларни кўриш мумкин.

Кўпчиликда илиқ таассуротлар уйғотган чемпионатда медаллар ўз эгасини топмоқда.

Югуриш баҳсларида 10 минг метр масофада Эфиопия вакиллари совринли ўринларнинг барчасини банд этди. Аёллар ўртасидаги югуришда Т.Дибаба, Адере ҳамда Э.Дибабалар маррага бирин-кетин етиб келди.

Ядро улоқтириш баҳсларида америкалик Нельсон жаҳон чемпиони бўлди. 20 километргга спортча юришда эркаклар ўртасида эквадорлик Перес олтин медални қўлга киритди.

*Спорт оламида*

# ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Миллий Баскетбол лигаси ҳуқуқшунослари ҳамда баскетболчилар касаба уюшмаси 2011 йилгача амал қилиниши лозим бўлган янги жамоа шартномасини имзоладилар. Шартномада баскетболчилар трансфери, ойлик маошлари, мукофот пуллари ва бошқа масалалар тўлиқ ўз ечимини топган. Яна бир муҳим жиҳати, клуб эгалари энди «авф қоидаси»дан баҳраманд бўлади. Яъни ҳар бир лига жамоаси ўзига ёқмаган битта баскетболчи билан шартномани бекор қилиши мумкин.

*Футбол*

# РОНАЛЬДО «МИЛАН»ДА ЎЙНАМОҚЧИ



Мадриднинг «Реал» жамоаси ҳужумчиси Рональдо Италиянинг «Милан» клубида ўйнашни истайди. Бу ҳақда «Милан»нинг бразилиялик ҳимоячиси Кафу маълум этган.

– Биз Бразилия терма жамоаси таркибида машғулотларга йиғилганимизда, – дейди Кафу, – у доимо «Милан» ҳақида суриштиришга тушади. «Рони»да кучли футболчи эканлигини ҳаммага кўрсатиш иштиёқи баланд. У Италияга қайтишни орзу қилади. Чунки бу ерда бразилияликлар ўзларини жуда эркин ҳис қиладилар.

# НИҲОЯТ КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

«Манчестер Юнайтед» ҳамда Туркиянинг «Бешиктош» жамоалари ярим ҳимоячи Клеберсоннинг трансферини келишиб олди. «Қора лочин»лар 26 ёшли футболчи учун 1,8 миллион фунт тўлайдиган бўлди. «Манчестер Юнайтед» бу футболчини «Атлетико Паранаэнси» клубидан 6 миллион долларга сотиб олганди. Ярим ҳимоячи учун «Сельта» ва «Бешиктош» ўзаро кураш олиб борди. Натижада туркияликлар Клеберсонни ўз сафларига қўшиб олди.

– Биз шартномадан жуда қувондик. Футболчининг хотинини Истанбулга келишга кўндириш бизга қийин кечди. Бироқ, биз мақсадимизга эришдик, – дейди клуб президенти Й.Демирорен.



## "БОШҚОТИРМА"НИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

***Матбуот саҳифаларида "Бошқотирма"ларга ҳам алоҳида ўрин бериб келинмоқда. Зеро, ўқувчиларнинг бошини қотираётган бу хил материалларнинг мазмун-эътибори нимада?***

Айнан шу саволга "Тафаккур ва тасаввур" деган номда чоп этилган тўпламдан атрофлича жавоб топасиз. Катталар, айниқса ёшлар учун қизиқарли бўлган бошқотирманинг асл моҳияти ёритилган бу нашр газетхоннинг тил бойлиги ва тафаккурини бойитишга ёрдам беради.

Интеллектуал манба бўлиб хизмат қиладиган ушбу тўплам "Ижод дунёси" нашриёт уйи томонидан китобхонларга тақдим этилди.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари Бухоро вилояти касаба уюшма кенгашининг ҳуқуқшуноси Рамзжон Худойбердиевга падари бузруквори

**РАВШАН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6